

Ушбу сонда:

2 Давр ва касба уюшмалари томчида ҳаёт акси

3 МЕХНАТ КОДЕКСИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

4 ФЕДЕРАЦИЯ КЎЧМА КУБОГИ УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ 2003 йил 27 декабр шанба - дам олиш кунини 2004 йил 2 январь жума кунига кўчириш тўғрисида

ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 23 декабр, сешанба № 200 (1625)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНING АЪЗОЛАРИГА, БАРЧА ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИГА

Муқтарам дўстлар! Авваламбор, ўз ҳаётини Ўзбекистон илм-фани ривожига бағишлаган, мамлакатимиз келажги йўлида фидокорона меҳнат қилган сиз, азизларни бугунги кунга сана - Фанлар академиясининг 60 йиллик тўйи билан муборакбод этишни мен ўзим учун катта шараф, катта бахт деб биламан.

Хизмат тақозосига кўра менинг ҳаёт йўлим узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини ўсида мужассам этган, не-не буюк истеъдодларни бирлаштирган шу муътабар даргоҳ билан боғлиқ ҳолда ўтганини, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган, ноёб кашфиёт ва ихтироларнинг муаллифлари бўлган машҳур олимлар билан ҳамкор бўлиб ишлаш, уларнинг фаолиятини беvosита кузатиш имконига эга бўлганини, ўйламанки, сизлар яхши биласиз.

Шу маънода, Академиянинг барча аъзолари, илмий мактабларнинг соҳиблари ва давомчилари, йирик илмий муассасалар раҳбарлари ва ходимларининг кўпчилигини яқиндан билганимдан, сизлар билан ёнма-ён бўлиб ишлаганимдан ҳали-берди катта таассуротда эканимни ихчор этмоқчиман.

Лекин, қандай қийинчиликларга дуч келмасин, халқимизнинг ноёб истеъдодини рўйбга чиқаришда, авваламбор, Ўзбекистоннинг эртанги кунини учун хизмат қиладиган ер ости, ер усти бойликларини ўзлаштиришда бу нуфузли илм даргоҳида яратилган, мамлакатимизнинг тараққиётига улкан ҳисса қўшган кашфиёт ва тадқиқотлар, янги технология ва воситалар, илмий тавсия ва қўлланмалар беқисс аҳамиятга эга бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Мана шу қувончли кунда барчангизга ўзининг ҳурмат-эҳтиромини билдириб, академия фахрийларига узоқ умр, фаолларига омад, эндигина илм-фан олиманига қадим қўётган ёшларимизга эса фан чўққуларини эгаллашда ютуқлар тилашдан бахтиёрман.

Бундан ташқари, қандай геология, ҳусусан, нефть ва газ, олтин, рангли ва қимматбаҳо металллар конларини аниқлаш, математика, ядро ва каттик жисмлар физикаси, астрономия, микробиология, органик ва ноорганик, ўсимлик моддалар кимёси, сейсмология, тарих ва археология, фалсафа ва шарқшунослик каби фан соҳаларида яратилган улкан кашфиётлар аққол исботлайди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг номини, унинг шон-шухратини сақлаб ва юксалтириб келётганингиз учун барчангизга жамоатчилигимиз номидан самимий ташаккур билдираман.

Бундан ташқари, қандай геология, ҳусусан, нефть ва газ, олтин, рангли ва қимматбаҳо металллар конларини аниқлаш, математика, ядро ва каттик жисмлар физикаси, астрономия, микробиология, органик ва ноорганик, ўсимлик моддалар кимёси, сейсмология, тарих ва археология, фалсафа ва шарқшунослик каби фан соҳаларида яратилган улкан кашфиётлар аққол исботлайди.

Хурматли илм-фан ахли! Фанлар академияси ўз тарихи давомида кўп воқеаларни, даврнинг барча мураккабликларини бошдан кечирганини, Мар-

каз томонидан беписандлик ва камситиш каби ҳолатларни ҳам кўрганини, ўйламанки, сизлар ўз фаолиятингиз мисолида яхши биласиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНING 60 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз илм-фани ривожини йўлидаги катта хизмати, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш ишига қўшаётган улкан ҳиссаси, юқори маънавий илмий ходимларни тайёрлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнатини эътиборга олиб ҳамма жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”
Боголов Борис Михайлович — Умумий ва ноорганик кимё институтини етакчи илмий ходими, академик
Ешчанов Турсунбой — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси, академик
Мирзаев Тўра — Фанлар академияси вице-президенти вази фасонини бажарувчи, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори

Республикамизнинг иқтисодий ва маънавий юксалишига қўшаётган беқисс ҳиссаси, кўп йиллик самарали илмий-ижодий фаолияти, юқори маънавий илмий кадрларни тайёрлаш, бой маънавий меросимизни ўрганиш, уни халқроқ жамоатчилик ўртасида кенг ёйиш, миллиятлараро дўстлик ва тотулишни мустаҳкамлаш борасидаги хизмати ҳамда жамоат ишларида фаол қатнашган учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Буюк хизматлари учун” ордени билан
Кўшонов Матқўб — Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти етакчи илмий ходими, академик
Мусаев Жўра Азимович — Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лабо-

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ - 60 ЁШДА

Хар қандай давлатнинг куч-қудрати кўп даражада унинг фан-техникаси, илмий салоҳияти қай даражада ривожланганига ҳам боғлиқ. Жаҳонга Ахмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк алломаларни берган заминимиз башариёт тараққиётида ўзига хос ўрин тутади.

фалсафа ва бошқа етакчи соҳаларини, кўнча тарихимиз саҳифаларини, Шарқнинг бебаҳо мероси жам бўлган нодир қўлэмаларни ўрганиш борасида жаҳон илмий жамоатчилиги назарида тушайтган кўпгаб янгиликлар яратмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иштирокчилик йиллариданқол мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ана шу эътиборнинг яна бир ёрқин далили бўлди.

Ана шундай фидойи олимларимиздан фарғуҳи Президентимиз Фармонига асосан Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг фахрий унвонлари, ордени ва медаллари билан тақдирланди. Уларга юксак мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халитов топширди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида мазкур сана муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Фанлар академияси президенти, академик Б.Йўлдошев очди.

Анжуманда оўзга чиққан Россиянинг Ядровий тадқиқотлар билан институт директори В.Кадишевский, Польша Фанлар академияси вице-президенти С.Януш, Япониядаги «Ипак йўли» халқроқ академияси директори К.Като ва бошқалар нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон илм-фани ривожига ҳисса қўшаётган олимларимизни бугунги байрам билан қўтади, янгида-янги илмий кашфиётлар қилишда омад тилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг Фанлар академиясининг аъзоларига, барча илмий ходимларига табригини Президентимиз Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ийгилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А.Абдувоҳитов, З.Хусниддинов, Бош вазир ўринбосари А.Азизқўжаев иштирок этди.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

унинг нафти нималарда намоеън бўлмоқда?

Вилоят прокуратураси, нодавлат бирлашмалари ҳамда ўзини-ўзи бошқарув идоралари билан ҳамкорликда тузилган жамоатчилик назорати фуқаролар манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда. Махсус ишлаб чиқилган дастурга кўра жойларда ўтказилаётган давра суҳбатлари, ҳуқуқшунослар билан учрашувларда одамларни қизиқтирган саволларга лўнда жавоб қайтаришмоқда. Қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий саводдон бўлишни аҳамияти юқорида атрофича гап бормоқда.

солиб келган. Касаба уюшма ва жамоатчилик назорати гуруҳи аъзоларининг ҳамжиҳатлигида сайҳаракатлари тўғрисида ушбу маблаг марҳумнинг оиласига ундириб берилди.

Вилоятда ҳозирги кунда тиббиёт муассасаларида 62 миң нафардан зиёд касабаси аъзоси меҳнат қилмоқда. Уларнинг кўнчилиги хотин-қизлардир. Ходимларнинг меҳнат муносабатлари жамоат шартномалари билан тартибга солиниши, иқтимоий ҳимоя алоҳида эътибор берилмоқда. Табиқийлик, қаредга умумли ва намунали ишлаш учун шартин яратилган бўлса, ўша жойда кўнгиладигек натижаларга эришилмоқда.

Текширувларнинг яна бирида давлат санитария-эпидемиология назорати марказларида жамоат шартномаларига беписанд муносабатда бўлинаётгани ўз исботини топди. Узаро фидоилик билан тармок касабаси уюшма кўмитаси томонидан катта ўқув семинари ўтказилди. Унга тажрибали мутахассислар, касаба уюшма етакчилари тақлиф этилдилар. Ийгиликлар жамоат шартномасининг аҳамияти ва уни мақсадга мувофиқ тарзда тузиш ҳусусида тушуна олдилар. Албатта, соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма вилоят кўмитаси, шаҳар ва туманлардаги жамоатчилик назорати гуруҳлари иш ҳақидан қардорлик ёки маошининг кечиктириш каби камчиликларга барҳам бериш учун барча ваколатини ишга солишмоқда. Бу борада Марғилон, Қувасой шаҳри ҳамда Ёзбон туманида ибратли ишлар амалга оширилди. Назоратчи гуруҳ томонидан ўз ой ичиде текширувлар ўтказилиб, муайян миқдордаги моддий зарар қопланди.

Сўнги йилларда муассасаларда меҳнат муҳофазаси бўйича ана шундай амалга оширилди. Долзарб масала касабаси уюшмалари вилоят тармок кўмитаси Раёсат йиғилишида атрофича муҳофиза қилинди. Шундан сўнг иш ҳақи ва бошқа тўловлар, ногиронлик масалалари, ажратилган маблаг ҳамда дори-дармонларнинг мақсадли ишлатилиши, фуқароларнинг хат ва арзларини бўйича олиб борилаётган ишларга эътибор кўчайтирилди. Натихада қатор қўнбузилиш ҳолатлари аниқланди, масалани адолатли ҳал этиш юзасидан изчиллик, қатъийлик кўрсатилди. Масалан, Қўва тумани соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли туманга электрчи Ёқубов вафот этгани муносабати билан оила аъзоларига олти ойлик иш ҳақи, нафраси, яъни, 1 миллион 450 миң сўмдан ортиқ маблагни тўлашни мутасаддилар пайсалга

Яна бир ҳаётий мисол. Ёзбон туманида жойлашган марказий шифохонада бўлим бекаси бўлиб ишлаб келётган Турсун Абдиева ёшга доир пенсия таянлаш талаблари бўзилган. Мутасаддилар аралашувдан сўнг тиббиёт ходимига тегишли бўлган 68979 сўм тўлаб берилди.

Тиббиёт ходимларини иқтимоий муҳофазалаш, саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан ҳам аниқ тадбирлар амалга ошириляпти. Бу йил 486 нафар тармок ишловчиси энг яхши сиҳатдоҳларда дам олдирилди. Бунинг учун 36 миллион сўм сарфланди. Уларнинг фарзандларини сулим масканларга юбориш, ёзни кўнгилини ўтказиш мақсадларига қарийб 13 миллион сўм ажратилди. Буларнинг ҳаммаси меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоясини бўлиши касабаси уюшмалари, жамоатчилик назорати гуруҳи аъзоларига бўлган ишонччи янада мустаҳкамламоқда.

П.ҚОСИМОВА, Фарғона вилоти соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма кўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор ислохотларининг ҳозирги тараққиётини мувофиқ иқтисодийни бошқаришни янада арқинлаштириш, маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқаруви меъёр ва тамойилларини кенг жорий этиш, хўжалик бирлашмаларини унификациялаш ва улар фаолиятини ташкил қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

порт қурилиши корхоналари уюшмаси «Ўзбектрансқурилиш» ни;
Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металллар ва олтин давлат концерни «Қизилқумнодирметаллолтин» ни; «Махсусқотишма» республика ташкилотини;
функцияларини «Ўзбек ипаги» уюшмасига топширган ҳолда «Шойи» акциядорлик компаниясини;
функцияларини «Ўзбек ипаги» уюшмасига топширган ҳолда «Пилла холдинг» компаниясини тутатиш;
б) Еғ-мой ва тамаки санюати корхоналари «Еғ-мойтамаки» уюшмаси ҳамда қандолатчилик, чой ва пиво-алкоголици ичимлик санюати корхоналари «Озқоққатсанюат» уюшмаси негизиде Еғ-мой ва озиқ-овқат санюати уюшмасини ташкил қилиш;
в) Ўзбекистон автомобиль-созлик корхоналари уюшмасини «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясини;
«Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясини эйтиб;

қарув ташкилий тузилмаларини қайта қўриб чиқсинлар ҳамда уларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар, шунингдек ўз Низомларига тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

7. Маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодийни бошқариш тузилмаларини тақомиллаштиришга оид тақлифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси билан биргаликда хўжалик бирлашмаларининг устув ва жамгармаларидаги давлат улушини қисқартириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқсин ҳамда уларни акциядорлик компаниялари ва уюшмаларининг бошқаруви ташкилий тузилмаларини тақомиллаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳалари билан бир вақтда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

1. Белгиланган қўйилсинки, қуйидаги асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланади:

а) ушбу Фармонга мувофиқ қайта ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг ташкилий тузилмалари ва функциялари тўғрисидаги тақрирларни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун график ишлаб чиқсин ҳамда бошқарма-бошқуч тақдим этсин;

8. Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси билан биргаликда хўжалик бирлашмаларининг устув ва жамгармаларидаги давлат улушини қисқартириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқсин ҳамда уларни акциядорлик компаниялари ва уюшмаларининг бошқаруви ташкилий тузилмаларини тақомиллаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳалари билан бир вақтда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойберганов зиммаларига юклатилсин.

2. Хўжалик бирлашмаларининг асосий вазибалари ва функциялари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин:

«Дори-дармон» давлат-акциядорлик уюшмасини «Дори-дармон» акциядорлик компаниясини эйтиб;
Ўзбекистон фармацевтика санюати давлат-акциядорлик концернини «Ўзфармасаноат» уюшмасини эйтиб;

б) «Ўзгазмосервис» уюшмасини «Ўзгазмосервис» акциядорлик компаниясини эйтиб;
«Дори-дармон» давлат-акциядорлик уюшмасини «Дори-дармон» акциядорлик компаниясини эйтиб;
Ўзбекистон фармацевтика санюати давлат-акциядорлик концернини «Ўзфармасаноат» уюшмасини эйтиб;

«Бештен пахта тозалаш» ошқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ушбу маъсумда 27 миң тоннадан ошқ пахта қабул қилиниб, шундан 22 миң тоннаси биринчи навга баҳоланди. Корхонада ҳозирги кунгача 10 миң тонна тола, 5 тонна уруғ-

лик чигит ишлаб чиқаришга эришилди. Суратда: илгор ишчилар Манзура Раҳмонова ва Ҳайитгул Мирзаева.

И.КАРИМОВ

И.ҲАСАНОВ олган сурат



Тошкент вилояти Бўка туман матлубот ҳиссдорлик жамиятида ўз касбининг фидойиси бўлган кўлаб малакали мутахассислар ишлайди. Ана шундай жонқур аjoyиб инсонлардан бири жамият маркетинг Насиба Исмоиловадир.

Суратда: (ўртада) Н.Исмоилова ҳамкасблари билан.

ЎЗГАЛАР ВА ЎЗ ҲАЁТИНГИЗНИ АСРАНГ!

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунда таъкидлаб ўтилганидек, барча йўл ҳаракати қатнашчилари йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя этишлари шарт. Аммо юз бераётган йўл-транспорт ҳодисалари ҳайдовчилар, шунингдек пиёдалар томонидан қонун-қонда талабларига ҳар доим ҳам амал қилинмаётганидан далолат беради.

Кейинги пайтларда спиртли ичимли истеъмол қилиб машина рулини бошқариш ҳолатлари кўп учрамоқда, деди йўл патрул хизмати Чироқчи туман бўлими ходими милиция капитани Ниёз Пармонов «Туркистон-пресс» мухбирига. Бу ярамас иллатнинг кўлаб бошқа хай-

вондан тўхтатилди. У тўхтатилганида бахтсиз ҳодиса рўй бериши, ўз ҳаётини хавф остида қолдириши ва бегуноҳ инсонлар ҳам фалокатга учраши мумкин эди.

О.Яхшиевнинг таъкидлашича, автоулов бошқарувчиларидан ҳамма вақт тезликни оширмайди, айниқсан спиртли ичимли истеъмол қилиб транспорт воситасини бошқармаслик таъминлайди. Шунингдек, меҳнат унвондорлигининг ўсишига, иш сифати яхши-лашишига, шу асосда аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси 1996 йилнинг 1 апрелидан эътиборан амалга киритилган. Мана шу мўддат давомида ушбу Меҳнат Кодексига бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Бевосита қонун билан ишлайдиган шахслар бў ўзгаришларни ўзларига белгилаб қўйишга улгурди, албатта. Лекин фуқароларнинг аксарияти қисми уларнинг барчасини тўққиз ўзлаштириб ологани йўқ. Шунинг учун ҳам киритилган ана шу ўзгаришлар ва қўшимчаларни бира-бир санаб ўтасак фойдадан холи бўлмайди. Бу ишни яхшироқ Меҳнат Кодекси мисолида қўриб чиқишдан бошлаганимиз маъқул:

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан Меҳнат Кодексининг 9-моддаси иккинчи қисми 2-бандидаги «ҳамда уларнинг меҳнатнинг ҳуқуқ ва техника бўйича инспекциялари», деган сўзлар чикариб юборилди ва ушбу ўзгариш 2002 йилнинг 20 январидан бошлаб амалга киритилди;

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан Меҳнат Кодексининг 97-моддаси иккинчи қисмидаги, 137-моддасининг иккинчи қисмидаги, 225-моддасининг учинчи қисмидаги ва 241-моддасининг учинчи қисмидаги «Меҳнат вазирилик», «Меҳнат вазириликнинг», деган сўзлар тегишли қилинишига «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик», деган сўзлар билан алмаштирилди ва бу ўзгариш 2001 йилнинг 4 июндан

Республика Олий Судининг навбатдаги пленумида гумон қилинувчи ва айбланувчини химоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўлаш бўйича суд амалиёти тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

СУДДА ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ

Тадбирда сўзга чиққанлар судларда иш юриштиришнинг барча босқичларида тортишув ва тарофларнинг тенглиги тамойилларини қўлайтиришга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимигадаги ислохотлар ижобий натижа бераётганини таъкидлашди. Маълумки, гумон қилинувчи ва айбланувчини химоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни суд амалиётида тўғри қўлланишига Олий суд томонидан мунтаза эътибор қаратиб келинмоқда.

Маасур пленум қарори билан гумон қилинувчи ва айбланувчига химояси ҳўрсатма беришдан бош тортиш ҳуқуқи борлигини тушуниришни тергов ва суд органларига мажбурий та сифатида юқлапти. Бу албатта, гумон қилинувчи ва айбланувчилар химоя ҳуқуқларининг кафолати сифатидаги норма бўлди.

Шунингдек, пленум ишида меҳнат вазирилик томонидан бунёд этилган янги мактабни 2004 йилнинг дастлабки кунларида фойдаланишга топшириш режалаштирмоқда.

УЙЧИ ТОЛАСИ ХОРИЖГА

Уйчи «Пахта тозалаш» акциядорлик жамияти жамоаси жорий йилда ўн тўртта ширкат ва 112 та фермер хўжалиқларидан қабул қилиб олинган ҳосил ҳисобидан ҳозиргача бош юз тўқсон тўрт тонна тола ишлаб чиқарди. Янги маҳсулот ҳажми 4 миллиард 33 миллион 647 минг сўмликни ташкил этди. Алишер Жамолов етакчилигидаги смена, Тождидин Жумабоев, Фанишер Каюмов ва Абдурауф Тўрабоев каби пахта тозаловчилар меҳнати билан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ой сайин кўпайиб бормоқда. Бошқарув раиси Лутфулло Эгамбердиевнинг айтишича, тайёрланган толаннинг асосий қисми Швеция, Швейцария, Бельгия, Италия мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

ҲУНАР - ЗАР

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими Кўкалдош мадрасасида халқ амалий санъати марказини барпо этишга киришди.

Жамғарма вилоят бўлими раиси Ражаб Қулиевнинг таъкидлашича, бу ерда миллий хўнарамчилик мактаби очилади. Унда энг маҳоратли усталар ёшларга ўз хўнарларини ўргатишади. Жамғарма, шунингдек халқ усталари билан учрашувлар, турли кечалар ўтказишни ҳам режалаштирмоқда.

Бухоронинг қадимги усталари ўзларининг ноёб истеъдодлари билан бу шаҳар хўнарамчилиги довергунин бутун оламга ёйишган, — деди Р.Қулиев. — Аммо кейинчалик миллий амалий санъатга эътибор сусайиб, усталарнинг кўпгина хўнарлари унутила бошланди. Фақат мустақилликдан кейингина бу хўнарлар қайта тикланди

НАМУНАЛИ КУТУБХОНА

Бухордаги 1-мактаб ўзининг 75 йиллигини нишонлади. Бугунги кунда мазкур ўқув даргоҳида ўн уч миллатнинг фарзандлари ўзбек ва рус тилларида таълим олишмоқда.

Мактаб биносини таъмирлаш учун «Бухороўш» ва «Бухоро ипаги» акциядорлик жамиятлари маблағ ажратди, деди мактаб директори В.Хужаева. Бундан ташқари ажратилган маблағларга 11 та замонавий компьютерлар сотиб олинди.

Мактаб кутубхонаси жамғармасида бугунги кунда 20 мингдан зиёд бадиий адабиётлар ҳамда дарслиқлар мавжуд. Кутубхона 120 турдан зиёд газета ва журналлар олади. Бу ерга ҳар куни етмиш нафар китобхон таширф буюради.

ЯНГИ ЙИЛ СОВФАСИ

Косонсой туманидаги Ёшиқ кишлоғида янги мактаб биноси қад ростлади. Уч юз ўринли икки қаватли бу билим даргоҳида ўн та синф хонаси, буфет, кутубхона, спорт зал, ўқитувчилар хонаси ва компьютер синфи ҳам жиҳозланди.

«Косонсойқурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилган янги мактабни 2004 йилнинг дастлабки кунларида фойдаланишга топшириш режалаштирмоқда.

«Туркистон-пресс»

Ҳеч бир мамлакат, ҳатто энг тараққий қилган давлатлар ҳам ўз қонунларини охиригача «муқаммал» деб айта олмайди. Бунинг сабаби эса оддий. Жамият кундан-кунга ҳар жиҳатдан ривожланиб бораётган, ундаги муносабатлар, вазиятлар, шароитлар ҳам ўзгариб бораверади. Шу тариха кечаги қонунлар бугунги кун талабига жавоб бермай қолади. Ўтган ўн йилдан ошқ даяр давомида бизнинг давлатимизда ҳам барча соҳаларда мисли қўрилмаган даражада ривожланиш рўй берди. Ана шу давр талабидан келиб чиқиб амалда бўлган қонунчилигимизга белгиланган тартибда қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда, янги қонунлар қабул қилинмоқда.

Бизга келаятган хатларда асосан ана шу ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳақида тўлиқ маълумот бериб боришимизни сўрашган. Газетхонларнинг илтимосини инобатга олган ҳолда Меҳнат Кодекси қабул қилинганидан буён унга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот беришни сўраб ЎзКУФКнинг юридик бўлими мудири Абдулла АЛИМУХАМЕДОВга мурожаат қилдик:

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа лоқал мейёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳодимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини инобатга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шароитларини, ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи химоя қилинишини таъминлайди. Шунингдек, меҳнат унвондорлигининг ўсишига, иш сифати яхши-лашишига, шу асосда аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси 1996 йилнинг 1 апрелидан эътиборан амалга киритилган. Мана шу мўддат давомида ушбу Меҳнат Кодексига бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Бевосита қонун билан ишлайдиган шахслар бў ўзгаришларни ўзларига белгилаб қўйишга улгурди, албатта. Лекин фуқароларнинг аксарияти қисми уларнинг барчасини тўққиз ўзлаштириб ологани йўқ. Шунинг учун ҳам киритилган ана шу ўзгаришлар ва қўшимчаларни бира-бир санаб ўтасак фойдадан холи бўлмайди. Бу ишни яхшироқ Меҳнат Кодекси мисолида қўриб чиқишдан бошлаганимиз маъқул:

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан Меҳнат Кодексининг 9-моддаси иккинчи қисми 2-бандидаги «ҳамда уларнинг меҳнатнинг ҳуқуқ ва техника бўйича инспекциялари», деган сўзлар чикариб юборилди ва ушбу ўзгариш 2002 йилнинг 20 январидан бошлаб амалга киритилди;

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан Меҳнат Кодексининг 97-моддаси иккинчи қисмидаги, 137-моддасининг иккинчи қисмидаги, 225-моддасининг учинчи қисмидаги ва 241-моддасининг учинчи қисмидаги «Меҳнат вазирилик», «Меҳнат вазириликнинг», деган сўзлар тегишли қилинишига «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик», деган сўзлар билан алмаштирилди ва бу ўзгариш 2001 йилнинг 4 июндан

бошлаб амалга киритилди; Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги Қонуни билан Меҳнат Кодексининг 68-моддасига ўзгариш киритилиб, ушбу модданинг биринчи қисми «Миллий

шарҳида, шунингдек қонунда йўл қўйиладиган бошқа ҳолларда ҳам назарда тутилиши мумкин». Шунингдек, ушбу Қонун билан Меҳнат Кодексининг 98-моддаси иккинчи қисмининг биринчи жумласи «корхонанинг раҳбари», деган сўзлардан кейин «унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим», деган сўзлар билан тўлдирildi.

Яна ушбу Қонун асосида Меҳнат Кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 6-бандига ҳам қўшимча киритилиб қуйидаги тахрирда баён этилди: б) «корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим» билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алма-

шари сабабли бекор қилиниши, мазкур асос бўйича меҳнат шартномаси корхона мулки қилиб олинган қонундан бошлаб уч ой мобайнида бекор қилишга йўл қўйилди.

Ҳодимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа мейёрий ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган вақти, узрли сабабларга қўра ишда бўлмаган бошқа даврлари бу мўддатга киритилмайдилар.

Шунингдек, Меҳнат Кодексининг 101-моддаси биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилди: «Башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун қасаба уюшма қўмитаси ёки ҳодимлар бошқа вақиллик органининг олдидан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномаси: — корхона тугатилиши муносабати билан; — корхона раҳбари билан тузилган шартномани Меҳнат Кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига қўра.

Меҳнат Кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 6-бандига қўра «иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган тақдирда қасаба уюшма қўмитаси ёки ҳодимларнинг бошқа вақиллик органининг розилигини олиш талаб этилмайди».

Меҳнат Кодексининг 102-моддаси тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилди: «Ҳодим билан тузилган меҳнат шартномаси корхона мулкдори алмашиши сабабли бекор қилинганида (Меҳнат Кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 6-банди) янги мулкдор ходимни меҳнатга оид муносабатларининг келгусида бекор қилиниши тўғрисида қамда икки ой олдин ёзма равишда (имзо чекириб) огоҳлантириши ёки унга шунга муносоиб компенсация тўлаши шарт».

Бундан ташқари мазкур қонун билан Меҳнат Кодексининг 117-моддасининг иккинчи қисмига ҳам қўшимчалар киритилиб қуйидаги тахрирда баён этилди: «Корхонадаги бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян мўддати тармоқ (тариф) келишувларида, жамоа шартномаларида белгилаб қўйилди, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан қасаба уюшма қўмитаси ёки ҳодимларнинг бошқа

Газетхон илтимосига қўра

зилганда, шунингдек қонунда йўл қўйиладиган бошқа ҳолларда ҳам назарда тутилиши мумкин». Шунингдек, ушбу Қонун билан Меҳнат Кодексининг 98-моддаси иккинчи қисмининг биринчи жумласи «корхонанинг раҳбари», деган сўзлардан кейин «унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим», деган сўзлар билан тўлдирildi.

Яна ушбу Қонун асосида Меҳнат Кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 6-бандига ҳам қўшимча киритилиб қуйидаги тахрирда баён этилди: б) «корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим» билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алма-

шари сабабли бекор қилиниши, мазкур асос бўйича меҳнат шартномаси корхона мулки қилиб олинган қонундан бошлаб уч ой мобайнида бекор қилишга йўл қўйилди.

Ҳодимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа мейёрий ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган вақти, узрли сабабларга қўра ишда бўлмаган бошқа даврлари бу мўддатга киритилмайдилар.

Шунингдек, Меҳнат Кодексининг 101-моддаси биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилди: «Башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун қасаба уюшма қўмитаси ёки ҳодимлар бошқа вақиллик органининг олдидан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномаси: — корхона тугатилиши муносабати билан; — корхона раҳбари билан тузилган шартномани Меҳнат Кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига қўра.

Меҳнат Кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 6-бандига қўра «иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган тақдирда қасаба уюшма қўмитаси ёки ҳодимларнинг бошқа вақиллик органининг розилигини олиш талаб этилмайди».

Меҳнат Кодексининг 102-моддаси тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилди: «Ҳодим билан тузилган меҳнат шартномаси корхона мулкдори алмашиши сабабли бекор қилинганида (Меҳнат Кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 6-банди) янги мулкдор ходимни меҳнатга оид муносабатларининг келгусида бекор қилиниши тўғрисида қамда икки ой олдин ёзма равишда (имзо чекириб) огоҳлантириши ёки унга шунга муносоиб компенсация тўлаши шарт».

Бундан ташқари мазкур қонун билан Меҳнат Кодексининг 117-моддасининг иккинчи қисмига ҳам қўшимчалар киритилиб қуйидаги тахрирда баён этилди: «Корхонадаги бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян мўддати тармоқ (тариф) келишувларида, жамоа шартномаларида белгилаб қўйилди, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан қасаба уюшма қўмитаси ёки ҳодимларнинг бошқа

сарлавҳаси қуйидаги тахрирда баён этилди: «Меҳнат шариоити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун бериладиган йиллик қўшимча таътил»; унинг учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилди: «Меҳнат шариоити ўзига хос бўлган ишлар учун, шунингдек ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шариоити учун қўшимча таътилни энг кам мўддати, бундай таътилни бериш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланади». Мазкур қўшимча 1999 йилнинг 28 сентябрдан бошлаб амалга киритилди;

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги Қонуни билан Меҳнат Кодексининг 153-моддаси иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилди: «Меҳнатга ҳақ, қонда тариксида, пўл шаклида тўланади. Меҳнатга ҳақ, қонда тариксида пўл шаклида тўланади, Меҳнатга ҳақ, қонда тариксида пўл шаклида тўланади, Меҳнатга ҳақ, қонда тариксида пўл шаклида тўланади».

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни билан Меҳнат Кодексининг 153-моддаси иккинчи қисмидаги охириги жумла қуйидаги тахрирда баён этилди: «Меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно»;

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги Қонуни билан Меҳнат Кодексининг 181-моддаси биринчи қисми иккинчи бандидаги «Йигирма фоиздан», деган сўзлар «ўттиз фоиздан», деган сўзлар билан, «кирқ фоиздан», деган сўзлар эса «эллик фоиздан», деган сўзлар билан алмаштирилди ва ушбу ўзгариш 1999 йилнинг 28 сентябрдан бошлаб амалга киритилди.

КИМ ОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2004 йил 22, 29 январ кунлари соат 11.00 да Республика биржа маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

- 1. Тошкент шаҳар, Шахрисабз кўчаси, 1-уйда жойлашган «Маиший хизмат маркази» акциядорлик жамиятига қарашли бинонинг умумий майдони 8160 кв. метрга тенг бўлган қисми. Бошланғич баҳоси 880 922 АКШ доллари.
2. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Хайдаров кўчаси, 1-уйда жойлашган «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металллар комбинати ОАЖнинг 749,2 кв.м.ни ташкил қилувчи бир қаватли биносининг бир қисми (336,2 кв.м.). Бошланғич баҳоси—3009,0 минг сўм.
3. Самарқанд вилояти, Ургўт тумани, Навоий ширкат хўжалигида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдирши шохобчаси (АТТШ). Бошланғич баҳоси—27333,5 АКШ доллари.
4. Самарқанд вилояти, Гулбўғ қўрғонида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдирши шохобчаси (АТТШ). Бошланғич баҳоси—13223,7 АКШ доллари.
5. Самарқанд вилояти, Денов тумани, Хайробод қишлоғида жойлашган Олтинсой нефт базаси. Бошланғич баҳоси— 588216 АКШ доллари.
6. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Мирбозор қўрғонида жойлашган 6-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (6-АЕКШ). Бошланғич баҳоси— 26 400 АКШ доллари.
7. Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Ўзбекистон ширкат хўжалигида жойлашган 1-сонли контейнерли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (1-КАЕКШ). Бошланғич баҳоси—11282,1 АКШ доллари.
8. Самарқанд вилояти, Пайриқў тумани, Ўзбекистон ширкат хўжалиги, Уртабуз қишлоғида жойлашган 3-А-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (3 «А-АЕКШ»). Бошланғич баҳоси— 8 508,3 АКШ доллари.
9. Самарқанд вилояти, Булунғур тумани, Ғубдин ижара хўжалигида жойлашган 18-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (18-АЕКШ). Бошланғич баҳоси—13223,7 АКШ доллари.
10. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Муллақичина қишло-

- ғида жойлашган 5-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (5-АЕКШ). Бошланғич баҳоси— 20 512,8 АКШ доллари.
11. Жиззах вилояти, Фаллаорол тумани, Истиклол ширкат хўжалигида жойлашган 9-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (9-АЕКШ). Бошланғич баҳоси—7635 АКШ доллари.
12. Қашқадарё вилояти, Китоб туманида жойлашган 11-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (11-АЕКШ). Бошланғич баҳоси— 23197,5 АКШ доллари.
13. Қашқадарё вилояти, Косон шаҳрида жойлашган 14-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (14-АЕКШ). Бошланғич баҳоси—6512 АКШ доллари.
14. Тошкент шаҳар, Сирғали туманида жойлашган «Ўзқоммуниязмат» агентлиги қарашли қурилиши тугалланган троллейбуслар таъмирлаш заводи. Бошланғич баҳоси—1032650,0 минг сўм.
2003 йил 25 декабр кuni соат 11.00 да республика биржа маркази биносида тақроран ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объект ҳам қўйилади: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Н.Холматов кўчасида жойлашган 3-сонли автобусларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (3 АЕКШ). Бошланғич баҳоси — 32025 АКШ доллари. Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имониятнингизни бой берман!

Шарҳловчи минбари

Ўтган шабдада европаликлар ноҳуш воқеадан боқабар бўлди. Мюнхендан Парижга кетаётган, сайёҳлар билан тўла автобус Бельгия-Франция чегарасига яқин жойда ҳалокатга учради. Ўн бир йўловчи ҳаётдан қўз юмди, 37 нафари эса турли даражада жароҳатланди.

Ҳозирча бахтсиз ҳодисанинг сабаблари ҳақида аниқ ҳулоса йўқ. Бельгия прокуратураси ҳайдовчининг ҳаракати вақтида уҳлаб қолганини таҳмин қилмоқда. Чунки, яқин атрофда бўлган одамларнинг гувоҳлик беришича, ҳалокат содир бўлишдан бир неча сония олдин автобус «илон изи» шаклида ҳаракатланган.

БЕЛГИЯДА АВТОБУС ҲАЛОКАТИ

ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қўра, автобуснинг йўл четидига бетон тўсиқларга урилишидан қучли ёнғин келиб чиққан. Ёнғин туфайли автобус ҳайдовчиси ҳам ҳалок бўлган. Тонг чоғи бўлгани учун аксарият йўловчилар уйқуда эди. Ёнғин чиққан вақтда эса уларнинг қўчилиги саросимага тушиб қолган. Бахтли тасодиф туфайли иккинчи ҳайдовчи ёнғин вақтида оқра зичкини очишга муваффақ бўлган ва қўчилиги йўловчи омон қолган.

Германия Федератив Республикаси транспорт вазири Манфред Штолпеннинг маълумот беришича, аксарияти 25 ёшгача бўлган талабалар Рождество байрамини Парижда ўтказишни режалаштириб саёҳатга чиққан экан. Улар орасида рус, украин, беларус, немис, турк, француз, ҳорват ва бошқа миллат вакиллари ҳам бўлган. Мазкур

Эдсон Арантис ду Насименту номи сизга бирор кимсани эслатадими? Пеле-чи?

Футбол ишқибозларига яхши маълумки, ҳар иккиси бир одам – йигирманчи асрнинг энг атоқли «чарм тўп» устаси – футбол қироли! Уни эркатлиб, олдийгина килиб Пеле деб кўя қолишди.

Бундай машҳур футболчилар дунёда кўп: Вава, Диди, Гарринча, Эйсебио, Чарльтон, Круифф, Беккенбауэр, Яшин, ди Стефано, Платини, Красницкий, Абдураимов...

Кўча чангитиб тўп телиб юрган бола борки, юқорида биз номини эҳтиром билан тилга олган юлдузларга менгайди, бир зум бўлса-да, ўзини улар ўрнида кўришни орзу қилади.

Лекин ҳамма Пеле бўлолмайди, Эйсебио ҳам, Красницкий ҳам дунёга бир марта келган... Шунга қарамай ҳеч ким, ҳатто ёши ўттизни қоралаб, қирқдан ошганида ҳам болалик орзуси муҳр босган футболга мөҳр бизни тарқ этмайди. Вақти-вақти билан ўтмишга қайтаради, бошқача айтганда, болалик кечинмалари қайтадан жунбушга келиб, киши ўзида ёшариш белгилари пайдо бўлганини ҳис қилади.



Касаба уюшмаларининг энг хайрли ишларидан бири, бу турли спорт мусобақалари



Ўтказишни анъанага айлантиргани, десак асло муболага эмас. Мақсад эса битта – меҳнат ахли ўзини ҳамишса, неча ёшда бўлишидан қатъи назар бардам-бакувват ҳис қилиб, ҳаётга бўлган чанқоғини имкон даражасида тўлароқ қондира билсин. Зотан, саломатликнинг энг асосий гарови спорт билан шуғулланишидир. Дарвоқе, инсон учун энг керакли – саломатлик тўғрисида ўтган асрнинг маърифатпарвар алломаси Абдулла Авлоний шундай ёзган эди: «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсасидур. Чунки ўқумок, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур.

Маншатиимизнинг роҳатда бўлмоғи, жасадимизнинг соғлом бўлмоғига боғлиқдур. ...Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керақдур.»

Дарҳақиқат, жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигини таъминлаш орқали меҳнатқашлар

ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу жисмоний тарбия ва спортнинг ҳар бир оилага, ҳар бир хонадонга кириб бориши билан белгиланади. Касаба уюшмалари томонидан ташкиллаштирилган кўпжа спорт мусобақалари ана шу хайрли мақсадга йўналтирилган.

Ўтган ҳафта барча тармоқ кўмиталарини ҳаяжонга солиб турган турнир – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кўча кубоги учун мини футбол бўйича мусобақа ҳам юқоридаги мулоҳазаларимизнинг яққол исботи ўлароқ кўзга ташланди.

Энди бевосита турнир ҳақида тўхталсак. Гуруҳ учрашувлари, чорак финал ўйинлари каби ярим финал баҳслари ҳам жуда қизиқарли ўтди. Биринчи бўлиб «Алоқачи» ҳамда



«Автомобилчи» жамоалари майдонга тушди. Албатта, учрашув аввалида ҳеч ким – на ўйинчилар, на томошабинлар ва на мутахассислар ўйинда йирик ҳисоб қайд этилишини кутмаган эди. Футболда майдон текис, тўп юмалоқ, деган гап бор. Бу айни шу беллашувда ўз

МИНИ ФУТБОЛ: ҲАҚИҚИЙ СПОРТ БАЙРАМИ

исботини топди. Ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик билан ҳаракат қилган алоқачилар, қутилмаганда рақиблари дарвозасига жавобсиз ўнта тўп йўллашга муваффақ бўлишди.

Ярим финалнинг яна бир учрашуви «Маорифчи» ва «Бинокор» жамоалари ўртасида кечди. Тўплар нисбатига кўра ярим финал йўлланмасини кўлга киритган «Бинокор»чиларнинг ушбу ўйинда рақиб жамоа аъзоларига нисбатан бироз кучсиз эканликлари биланиб қолди. Ўз таркибидан бир қатор моҳир футболчиларни жамлаган Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси жамоаси имкониятни қўлдан чиқармади: ҳисоб 7:4, «Маорифчи» фойдасига.

Турнир голиблиги учун баҳс «Алоқачи» ва «Маорифчи» ўртасида кечиши кўпчилик томонидан таҳмин қилинганди. Бу аълоқачилар амалда исботини топди: финал учрашувида азалий рақиблар тўқнаш қолдилар.

Ўйин ниҳоятда шиддатли кўриниш олди. Биринчи бўлиб «Маорифчи» дарвозасига тўп киритилди. Уни «Алоқачи»нинг шу кунги ўйиндаги энг фаол футболчиси Валентин Шашков дарвозага йўллади. Рақиб жамоанинг «11» рақамли футболчиси голига жавобан «Маорифчи»лар тез орада ажойиб комбинация уюштиришга муваффақ бўлишди. На-

қачилар «Фол»дан унумли фойдаланиб, кетма-кет иккита тўп киритдилар. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, «Маорифчи» аъзолари бутун учрашув давомида ўзларининг галабага бўлган кучли иштиёқ ва интилишларини намойиш этишди. Пухта ўйланган комбинациялар, аниқ тўп узатишлари... Бундай хатти-ҳаракатлар залга йигил-

носиб равишда тақдирланди. Уларга фахрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича голиблар аниқланди. Унга кўра «Энг кекса футболчи»га аталган соврин «Автомобилчи» жамоаси аъзоси Рафик Шаймурзинга насиб этди. «Фаол иштирокчи» соврини «Семурғ» жамоасига,

зилган турли мусобақаларда маҳоратимизни оширдик. Мусобақага катта масъулият билан ёндошилди, пухта тайёргарлик кўрилди. Бу бесамар кетмади. Турнир голиблигини кўлга киритдик. Шу сабаб ҳам ҳозир қаттиқ ҳаяжонданам.

Ўйин тўғрисида гапирадиган бўлсам, тўғриси, сўнги дақиқаларда жуда ҳаяжонландим. Негаки, ўйин жуда муросасиз тус



тўла-тўқис эришди. Ишчи-ҳодимлар футбол ўйнаш баробарида ўз соғлиқларини янада мустаҳкамлашди. Ўйинлар мобайнида шунга амин бўлдимки, жамоаларнинг маҳорати анча ўсган. Футболчиларнинг ҳаракатлари профессионалларникидан ҳечам қолишмайди.

Ким нима деса десин-у, эртанги куннинг бугунгидан-да ойдин бўлишини, бугун эришилмаган ниятларнинг эртага албатта рўёбга чиқишини, бир сўз билан айтганда келажакка энг кўп режа тузувчи кишилар, бу ҳаёт тажрибасига эга бўлган ёши улғу инсонлардир. Зеро, сўт ҳам вақт ўтиши билан қаймоққа айланганидек, одамзот ҳам йиллар оша билимдонроқ ва донишмандроқ бўлиб боради.

Ўсиб келаётган авлод тарбиясида ўғит-насихатларнинг аҳамияти катта. Лекин энг яхши тарбия, бу ибрат кўрсатиш орқали амалга оширилади. Касаба уюшмалари ўтказаятган спорт тадбирларининг ўзига хослиги, бўлакчилиги ҳам аслида шунда намоён бўлади. Иштиёқ ҳеч қачон сўнмаган, ғайрат-шижоат жўш уриб турган жамиятдагина авлоддан-авлодга

мурувват йили – бундай оммавий тадбирлар янада кўпроқ бўлишига шубҳа йўқ.

*** Шарҳимиз сўнггида яна



бир гап. Биз жуда орзиқиб кутган, сабаби илк бор Ўзбекистон терма жамоаси қатнашган ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ҳам ниҳоясига етди. Футболчиларимиз билан бир гуруҳда тўп сурган Испания ва Аргентина чиндан-да кучли таркибда эканлигини исбот этиб, иккинчи ва тўртинчи ўрин соҳибларига айланди. Бу Аргентина ва Колумбия, Бразилия ва Испания жамоалари ўртасида кечган ўзаро баҳслар натижасига кўра аниқланди.

Фақат биринчи ўрин учун кураш олиб боришга одатланган аргентиналиклар учинчи ўрин учун бўлган бахсини оддий ўйинга айлантириб юборган бўлсалар, Испания терма жамоаси ҳақамнинг аралашуvidан сўнг ўн киши бўлиб ҳаракат қилганлиги оқибатида 0:1 ҳисобида мағлубиятга учраб, иккинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди.

Хулоса эса барибир кўтаринки оҳангда яқун топиши учун барча асослар етарли. Ўзбекистонда футбол жуда тез суръатлар билан тараққий топмоқда. Бунга етарли даражада исботлар мавжуд: «Пахтакор» командаси Осиё қитъасининг энг яхши жамоаси, дея эътироф этилди. Ёшлар жамоамиз илк бор жаҳон чемпионатида қатнашди. Миллий термаимиз эса қитъа биринчилигида муносиб қатнашиш ва жаҳон чемпионатида йўлланма олиш учун барча имкониятларга эга.

Бунда, не бахтки, касаба уюшма спортининг ҳам ўзига яраша улуши бор.

Зайниддин РИХСИЕВ, Абдулхай ЮНУСОВ, Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» муҳбирлари



ган томошабинлар томонидан олқишлар турлиди. Бош ҳақамнинг ўйин тугаганлиги ҳақидаги хушхабарни янграганида, таблодаги ҳисоб қуйидагича кўринишни олган эди: «Маорифчи» – «Алоқачи» - 4:4.

Мусобақа низомига кўра, голибни аниқлаш учун икки бўлимдан иборат вақт белгиланди. Унда иккала жамоа вакиллари ҳам дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолдилар. Навбат «футбол лотереяси» аталмиш пенальтиларга етиб келди.

Биринчи бўлиб тўп ёнига «Маорифчи» вакили келди. У дарвозани ишғол этди: 1:0. Айтганча, футбол шарҳларимизда «Дарвозабон – ярим жамоа» деган ибора кўп қўлланилади. Буни «Маорифчи» посбонига нисбатан бемалол ишлата оламиз. Ислол Тошмирзаев рақиб жамоа вакиллари томонидан йўлланган тўпларни маҳорат билан қайтариб қолди. Натижада пенальтилар бўйича якуний ҳисоб «Маорифчи»лар фойдасига ҳал бўлди: 2:1. Демак, турнирнинг бош соврини – Федерация кўча кубоги «Маорифчи»да!

Иккинчи бўлимда ҳам айни шу маромда, ана шу кескинликда давом этди. Аввалига ало-

қачилар кўрсатган маҳорати учун» соврини – «Матбуотчи» командасига тақдим этилди. «Ҳосилот» жамоаси вакили Шавкат Абдураимов эса «Турнирнинг энг яхши ҳужумчиси» совринини кўлга киритди.

Сўз – турнир иштирокчиларига

РАВШАН МУСУРМОНОВ, «Матбуотчи» жамоаси вакили:

– Футболни жуда яхши кўраман. Шу боис, жамоамиз йигитлари билан турли турнирларда иштирок этаман. Турнирга тўхталадиган бўлсам, гарчи биз гуруҳ ўйинларидан чиқа олмаган бўлсак-да, бу баҳсларда иштирок этишнинг ўзи фойдали. Чунки биз футбол ўйнаб ҳордиқ чиқардик. Халқимизда «Яхши дам – меҳнатга ҳамдам» деган гап бор. Энди яхши ҳордиқнинг «меvasи» меҳнатда билинади.

ШУҲРАТ КАМОЛОВ, «Маорифчи» жамоаси сардори, Тошкент шаҳридаги 276-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси:

– Турнирда ўтган йили ҳам иштирок этганман. Ушанда, эсингизда бўлса, ярим финалда омад биздан юз ўгирган эди: «Ардус» жамоасига ютқазиб қўйгандик. Бу йил тармоқ ходимлари ўртасида ўтқа-



қанча кўп ташкил этилса, биз ишчиларнинг бўш вақти шунчалик мазмунли ўтиши турган гап.

ИСЛОЛ ТОШМИРЗАЕВ, «Маорифчи» жамоаси дарвозабони:

– Агар инсон чин юракдан ҳолис ният қилса, унга албатта эришар экан. Бугун мен учун энг бахтли кунларимдан бири бўлди, десам адашмаган бўламан. Чунки биз галаба қозондик.

Турнирга келсак, у ўз олдига қўйган мақсадга

келаётган мерос нафақат авайлаб-асралади, бекиш даражада бойитилади ҳам. Ҳадемай йил сарҳисоб қилинади. Шубҳа йўқки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кўча кубоги учун бўлиб ўтган ушбу турнир ҳам муносиб баҳосини олади. Зеро, одамларга озгина бўлса-да нафи тегиб, завқ-шавқ улаша билган ҳар қандай тадбир ишончини оқлади, дея эътироф этиш учун арзиқулди.

Бўсағада эса Меҳр ва



ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.